

## ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ МАЖМУИ

**Акрамова Дилдора Эргашевна**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси  
кафедраси ўқитувчиси

**Йўлдошева Нодира**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси  
йўналиши талабаси

**Аннотация:** Хар қандай метод амалиётда усул ёки усуллар гуруҳи кўри-  
нишида ва тарбиянинг у ёки бу воситалари ёрдамида амалга оширилади.

**Калит сўзлар:** тарбия, таълим тизими, педагог, педагогик фаолият,  
фаолият.

## COMPLEX OF EDUCATIONAL METHODS

**Abstract:** Any method is implemented in practice in the form of a method or a  
group of methods and with the help of one or another means of education.

**Keywords:** education, educational system, pedagogue, pedagogical activity,  
activity.

Ҳозирги вақтда объективлиги, амалийлиги ва фойдаланиш учун қулайлиги  
бўйича тарбия методлари бир неча катта гуруҳга бўлинади ва улар яхлит тарбия  
методлари мажмуини ҳосил қилади. Масалан, россиялик педагог Г.И. Шчукина  
тарбия методларини учта катта гуруҳга ажратган

Ҳар қандай метод амалиётда усул ёки усуллар гуруҳи кўринишида ва  
тарбиянинг у ёки бу воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Тарбия усули, юқорида таъкидланганидек, маълум бир педагогик вазиятда қандайдир методни амалга оширувчи айрим амал ёки ҳатти-ҳаракат.

Тарбия воситаси – қўйилган мақсадга эришиш учун тарбия жараёнида фойдаланиладиган фаолият турлари, моддий ва маънавий маданият объектлари.

Тарбия методларининг I гуруҳи

Тарбияланувчилар онгини шакллантирувчи методлар:

1) эътиқодни шакллантириш методи – маънавий-ахлоқий дунёқараш ғоялари ва тушунчаларини шакллантириш;

2) ишонтириш методи – шахснинг маънавий-ахлоқий ҳис-туйғу соҳасига таъсир кўрсатиш;

3) намуна келтириш методи – инсонийлик, буюк инсонлар ҳаёт-фаолияти тўғрисида мисоллар келтириш, уларнинг шахсини ўрнатиб қилиб кўрсатиш;

4) суҳбат методи – тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида иккинчисидан маълумот олиш учун мавзуйий йўналтирилган сўзлашув;

5) маъруза методи – ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик ва бошқа мазмундаги у ёки бу муаммоларнинг моҳиятини батафсил тизимли баён этиш;

6) ҳикоя методи – у ёки бу маънавий тушунча ва ҳатти-ҳаракатларнинг таҳлили ёки яққол мисолини ўз ичига олган кичик ҳажмли воқеа-ҳодисаларнинг мантиқий баёни.

II. Фаолиятни ташкил этиш ва хулқ-атвор тажрибасини шакллантириш методлари:

1) машқ методи – шахснинг талаб этилган маълум бир ақлий-ахлоқий фаолият ҳатти-ҳаракатларини кўп марта такрор бажариши ва автоматлашган ҳолга келтириши;

2) педагогик талаб методи – маслаҳат, илтимос, шама, маъқуллаш каби кўринишларда шахснинг муайян фаолиятга киришиши, уни бажариши ёки тўхтатишини ифодаловчи хулқ-атвор меъёри;

3) тарбияловчи вазият (таъсир) методи – махсус ташкил этилган шароитда қандайдир масалани ҳал этиш бўйича шахс фаолияти ва хулқ-атворини ташкил этиш;

4) жамоатчилик фикри методи – барча синф, гуруҳ аъзоларининг ҳаётий меъёрлари, кадриятлари ва дунёга қарашларида намоён бўладиган ва уларнинг ҳатти-ҳаракатини баҳолашда фойдаланиладиган талаблар ифодаси;

5) топшириқ методи – доимий ва вақтинча, яқка тартибда, гуруҳли ва жамоавий бажариладиган, ҳуқуқ ва жавобгарлик чегарасига эга бўлган, ўқувчиларда зарурий фазилатларни ривожлантирадиган, уларни ижобий ҳатти-ҳаракатларга одатлантирадиган тарбия методи.

III. Фаолият ва онгни рағбатлантириш ва мотивациялаш методлари:

1) тақдирлаш методи – шахс ҳатти-ҳаракатини ижобий баҳолаш (совға, мукофот, мақташ, мақтов ёрлиғи, миннатдорчилик ва ш.к.);

2) жазолаш методи – шахсни номақбул ҳаракатларидан огоҳлантириш, тўхтатиш (танбех, хайфсан бериш) ва унда айбдорлик ҳиссини (уялтириш) пайдо қилиш;

3) мусобақа методи – шахсда рақобатбардошлик сифатларини шакллантириш

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У. Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.
2. Akramova, D. (2022). BO‘LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA’LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.
3. Akramova, D. (2022). Oliy ta’lim muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.
4. Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MECHANIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH TECHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOGS jurnali, 26(1), 13-17.